



**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ**

№ 1044

2021 йил «06» январь

**“ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ – ВЕСТНИК ЦЕНТРАЛЬНОЙ
ИЗБИРАТЕЛЬНОЙ КОМИССИИ RESPУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН”
ЖУРНАЛИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ ВА ТАХРИР ҲАЙЪАТИ
ТАРКИБИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14 ва 16-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси – Вестник Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан” журнали тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

“Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси – Вестник Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан” журналининг тахрир ҳайъати таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг айрим қарорлари 3-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

Раис

М. Абдусаломов

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2021 йил 6 январдаги 1044-сон
қарорига
1-ИЛОВА

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ – ВЕСТНИК ЦЕНТРАЛЬНОЙ
ИЗБИРАТЕЛЬНОЙ КОМИССИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН”
ЖУРНАЛИ ТЎҒРИСИДА
Н И З О М**

Мазкур Низом “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси - Вестник Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан” (бундан буён матнда Ахборотнома деб юритилади) журналининг расмий нашр сифатида чоп этилиш даврийлигини, ихтисослашувини, тилини ва мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тараққиёти жараёни ҳақида ахборот бериб бориш ва ёритиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ахборотнома Марказий сайлов комиссияси (бундан буён матнда МСК деб юритилади) муассислигида нашр этиладиган журнал ҳисобланади.

2. Ахборотнома журналининг таҳрир хайъати ўз фаолиятини (бундан буён матнда Ҳайъат деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси, “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4004-сон, 2019 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4366-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Регламенти, ушбу Низом ҳамда тегишли бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

3. Даврийлиги – Ахборотноманинг босма нашри, қоида тариқасида, ҳар чоракда бир марта нашр этилади.

4. Тили – Ахборотномада материаллар ўзбек ва рус тилларида нашр этилади. Материаллар инглиз тилида ҳам нашр этилиши мумкин.

5. Ихтисослашуви – ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий йўналишларга ихтисослашган журнал.

6. Ахборотнома амалдаги қоидалар асосида тарқатилади.

2-боб. Ахборотноманинг мақсади ва вазифалари

7. Ахборотноманинг мақсади – сайлов ва референдумларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёнида очиклик ва ошкораликни таъминлаш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ва сайлов жараёни тўғрисидаги билимларини кенгайтириш.

8. Ахборотноманинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

мамлакатимиз сайлов ва референдум қонунчилиги, миллий ҳуқуқий тизимдаги ўзгаришлар, ижтимоий-сиёсий ҳаётда халқаро сайлов стандартлари ҳамда принципларининг мустаҳкамлаб қўйилиши ва халқаро сайлов нормаларининг амалдаги қонунчиликка татбиқ этилишини ёритиш;

мамлакатимизнинг сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунчилиги бўйича кўп йиллик тажрибасини, шунингдек, тараққий этган хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ва амалиётини тарғиб этиш;

сайлов ва референдум натижаларини ёритиш;

Президент, Сенат аъзоси ва депутат этиб сайланганларнинг рўйхатини ҳамда референдум натижаларини эълон қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан сайланган МСК аъзолари тўғрисидаги ахборотларни эълон қилиш;

МСКнинг расмий ҳужжатлари, қарорлари, фармойишларини чоп этиш;

МСК фаолияти, комиссия мажлислари ҳақидаги ахборотларни ёритиб бориш;

сайлов ва референдум қонунчилиги, сайловлар моҳияти, фуқароларнинг ўз конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, сайлов тизимининг жамиятни демократлаштиришдаги ўрни ва ҳиссаси ҳақида, шунингдек ижтимоий - сиёсий мавзулардаги илмий, таҳлилий мақолалар чоп этиш;

сайлов ва референдум жараёнларини кузатишда иштирок этган хорижлик кузатувчилар, халқаро ташкилотлар вакиллари ва экспертлар,

шунингдек миллий ва хорижий журналистлар ҳақидаги ахборотларни, бошқа давлатларнинг сайлов ва референдум тўғрисидаги норматив ҳужжатларини ҳамда МСК ва хорижий давлатларнинг сайлов комиссиялари ўртасида ўрнатилган алоқалар ҳақидаги материалларни ёритиш;

миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари (бундан буён матнда ОАВ деб юритилади) билан ҳамкорликда сайлов ва референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишларни ёритиш;

сайлов ва референдум ўтказиш билан боғлиқ бўлган статистик, картографик ва МСК ваколатлари доирасидаги бошқа ҳужжатларни чоп этиш.

3-боб. Ҳайъат фаолиятини ташкил этиш

9. Ҳайъат таркиби МСК қарори билан тасдиқланади.

10. Ҳайъатнинг йиғилишлари заруратга қараб анъанавий тарзда ёки видеоконференция шаклида ёхуд сўров тартибида ўтказилиши мумкин.

11. Ҳайъат аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган йиғилиш ваколоти ҳисобланади. Ҳайъат қарорлари йиғилишда иштирок этаётган аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

12. Ҳайъат раиси Ахборотномани чоп этишга рухсат беради.

13. Ҳайъат Ахборотномада эълон қилиниши кўзда тутилган мавзуларни муҳокама қилиб, мундарижасини ва ададини белгилайди.

14. Ҳайъат аъзоларининг ҳуқуқлари:

чоп этишга тақдим этилган материаллар бўйича фикр билдириши;

муносиб ва зарур мавзуларни таклиф этиш;

Ахборотномани нашрга тайёрлашда иштирок этиш.

4-боб. Бош муҳаррир ҳамда масъул котиб фаолиятини ташкил этиш

15. МСК матбуот хизмати раҳбари Ахборотнома Бош муҳаррири ҳисобланади.

Бош муҳаррир:

Ахборотноманинг белгиланган тартибда чоп этилишини таъминлайди ва назорат қилиб боради;

Ҳайъат йиғилишларини ташкил қилади ва ўтказилишини таъминлайди;

Ҳайъат аъзоларини материаллар билан таништиради;

муштарийлар фикрини ўрганади ва улар билан алоқа ўрнатади;

ишлаб чиқариш ва ижодий фаолиятни такомиллаштиради;

Ахборотномани чоп этиш ва тарқатиш билан боғлиқ расмий ҳужжатларни Ҳайъат раисига тақдим этади.

Ҳайъат раиси билан келишилган ҳолда айрим вазифаларни бажариш учун бошқа муаллифларни, ижодий, таржимон, техник ходимларни меҳнат шартномаси асосида ёхуд ўзаро келишувга мувофиқ таҳририят ишларига жалб этиши мумкин.

16. Масъул котиб:

мавзулар режасига киритилган ва чоп этиши кўзда тутилган материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

материалларни макетлаштиради ва журналнинг бадиий безатилишини таъминлайди;

материалларни нашр этишга тайёрлаш, таҳрир қилиш, чоп этиш ишларини бажаради;

хатлар ҳисоботини юритади ва муштарийлар, муаллифлар мактубларига ўз вақтида жавоб берилишини таъминлайди;

Бош муҳаррирнинг журнал фаолияти билан боғлиқ топшириқларини бажаради;

чоп этишга тайёрланган барча қўлёзмаларни беҳато терилишига, оригинал-макет қилинишига жавоб беради;

Ахборотноманинг ҳар бир сони оригинал-макетини тайёрлайди ҳамда босмаҳонада чоп этиш жараёнларини амалга оширади.

5-боб. Ахборотномани чоп этиш ва таҳририят фаолиятини ташкил этиш

17. Ахборотноманинг таҳририятга оид вазифаларни МСК матбуот хизмати бўлими ходимлари бажаради.

18. Таҳририят:

Ахборотномада чоп этилиши кўзда тутилган расмий ҳужжатлар, материаллар, мақолалар, ахборотларни назорат қилади, нашрга тайёрлайди;

Ахборотнома мавзуларини белгилашда иштирок этади;

Ахборотнома мундарижасини тузади;

19. Ахборотноманинг ҳар бир сониде қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

номи;

муассиси;

Ҳайъат таркиби;

Бош муҳаррир исм-фамилияси;

тартиб сони ва чоп этилиш санаси;

адади;

таҳририят, босмахона манзили.

6-боб. Ахборотнома фаолиятини вақтинча тўхтатиш ёки тугатиш

20. Ахборотнома фаолиятини тўхтатиш ёки тугатиш МСК ёки суднинг қарори билан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2021 йил 6 январдаги 1044-сон
қарорига
2-ИЛОВА

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ – ВЕСТНИК ЦЕНТРАЛЬНОЙ
ИЗБИРАТЕЛЬНОЙ КОМИССИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН”
ЖУРНАЛИНИНГ ТАХРИР ҲАЙЪАТИ ТАРКИБИ**

Тахрир ҳайъати раиси:

М.Абдусаломов – Марказий сайлов комиссияси Раиси.

Тахрир ҳайъати аъзолари:

М.Истамов – Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари;

Х.Маматов – Марказий сайлов комиссияси Котибияти раҳбари;

С.Курбанкулов – Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзоси;

Ш.Қудратхўжа – Марказий сайлов комиссияси аъзоси, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, Халқаро пресс-клуб нодавлат-нотижорат ташкилоти раиси;

Г.Исмаилова – Марказий сайлов комиссияси аъзоси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети проректори;

Х.Абдурахманов - Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати раҳбари;

Қ.Очилов – Марказий сайлов комиссияси раисининг маслаҳатчиси;

М.Раҳманкулов – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директорининг биринчи ўринбосари;

Х.Азизов – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Ўқув ишлари бўйича биринчи проректори;

Р.Ҳақимов – Тошкент Давлат юридик университети ректори;

М.Миракулов – Миллий гвардия Ҳарбий-техника институти бошлиғининг биринчи ўринбосари;

Н.Собирова - Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати бош
консультанти (масъул котиб).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ТОПИЛГАН АЙРИМ ҚАРОРЛАРИ РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 1999 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий нашр органи – “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ахборотномаси” тўғрисида”ги 11-сон Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2001 йил 1 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ахборотномаси” таҳрир хайъатининг янги таркибини тасдиқлаш ҳамда журнални ўзбек ва рус тилларида чоп этиш тўғрисида” ги 132-сон Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2002 йил 14 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ахборотномаси” – “Вестник Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан” журналининг таҳрир хайъати таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги 166-сон Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2004 йил 1 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ахборотномаси” – “Вестник Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан” журналининг таҳрир хайъати таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги 189-сон Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2005 йил 7 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ахборотномаси” – “Вестник Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан” журналининг таҳрир хайъати таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги 259-сон Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 19 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ахборотномаси – Вестник Центральной избирательной комиссии

Республики Узбекистан” журналининг таҳрир ҳайъати янги таркибини тасдиқлаш тўғрисида”ги 611-сон Қарори.